



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**«АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ЮТУҚЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»
МАВЗУСИДАГИ III ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ОНЛАЙН АНЖУМАН**

**III МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
«СОВРЕМЕННЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ
РАЗВИТИЯ ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ»**

**АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ
МАТЕРИАЛЫ КОНФЕРЕНЦИИ
ТАШКЕНТ 2021**

Редакционный совет:

Доктор медицинских наук, Хайдаров Н.К. (отв. редактор)

Доктор медицинских наук, профессор Ризаев Ж.А. (отв. редактор)

Доктор медицинских наук, профессор Рустамова Х.Е. (зам. отв. редактора)

Редакционная коллегия: Амануллаев Р.А., Туйчибаева Д.М., Иргашев Ш.Б.,
Нурмаматова К.Ч., Машарипова Р.Ю., Камилов А.А.

Данный сборник состоит из материалов международной научно-практической конференции «Современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения» состоявшейся 7 апреля 2021 г. в г. Ташкенте. Представленные в сборнике работы содержат материалы по актуальным вопросам здравоохранения, охраны здоровья населения. Представляет интерес для научных сотрудников и практических врачей всех областей, а также студентов бакалавриата и магистратуры высших медицинских учебных заведений. В сборнике представлены информации о состоянии здоровья разных стран, таких как Малайзия, Российская Федерация, Казахстан, Кыргызстан и другие.

УДК: 614.2:61-084

ББК: 51.1л0я43

С-56

А-95

Современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения
Сборник трудов Международной научно-практической конференции

Репродуктив саломатлик - бу репродуктив тизим, унинг функциялари ва жараёнлари билан боғлиқ барча соҳаларда нафақат касаллик ёки касалликларнинг йўқлиги, балки жисмоний, рухий ва ижтимоий фаровонлик ҳолати, бу оиладаги психосексуал муносабатлардаги кўпайиш ва уйғунликни ўз ичига олади (ЖССТ).

Мамлакатда юз бераётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида оналар ва болаларни ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, туғиш ёшида бўлган аёлларнинг деярли 65-70%ида, ҳомиладор аёлларнинг 75-80%ида турли хил экстрагенитал касалликлар мавжуд бўлиб, бу касалликлар ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнини асоратли ўтишига ва бу ўз навбатида туғилаётган гўдаклар турли касалликлар билан дунёга келишига, аёлларнинг туғруқ асоратлари оқибатида ногиронлигига олиб келмоқда. Аёллар репродуктив фаолиятининг узок давом этиши, оилалар санитария маданиятини пастлиги, қизларнинг эрта турмушга чиқиши ва кетма-кет фарзанд кўриши, ёшлиқдан саломатлиги заиф бўлган қизлар сонининг ҳали ҳам камаймаётганлиги, юқоридаги нохуш ҳолатларни давом этишига асос бўлмоқда.

Демак, Covid-19 пандемияси даврида фертиль ёшдаги аёлларнинг саломатлиги янада ёмонлашиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг саломатлигини яхшилашга қаратилган тактик ва стратегик режаларни ишлаб чиқиш долзарб муаммоларидан биридир.

COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАНЛАРНИ ДАВОЛАШГА МОСЛАШТИРИЛГАН ШИФОХОНАЛАРДА ДАВОЛАНИШ ШАРОИТЛАРИГА ГИГИЕНИК ХАРАКТЕРИСТИКА

Саломова Ф.И., Садуллаева Х.А., Шеркузиева Г.Ф., Ахмадалиева Н.О.

Тошкент тиббиёт академияси

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Хитой ваколатхонаси томонидан этиологияси номаълум пневмония Хитойнинг Ухань шаҳрида авж олганлиги ҳақида маълумотлар илк бор 2019 йилнинг 31 декабрида чоп этилди ва 2020 йилнинг 30 январида Соғлиқни сақлаш соҳасида халқаро аҳамиятга эга фавқулодда ҳолат деб тан олинди. 2020 йилнинг 11 феврилида янги коронавирус инфекциясига COVID-19 деб ном берилди ва унга сабаб бўлган вирус эса SARS-CoV-2 деб номланди.

2020 йилнинг 21 январидан бошлаб ЖССТ ҳар куни (Situation reports) COVID-19 билан касаллик тасдиқланган ҳолатларнинг сони, ушбу касалликдан ўлганлар ва соғайганлар тўғрисидаги маълумотни эълон қилиб бормоқда. 2021 йилнинг 10 март ҳолатига кўра, бутун дунёда умумий касалланганлар сони 118 169 144 нафар, даволанаётганлар 21 685 233 нафар, соғайганлар 93 861 532 нафар, вафот этганлар 2 622 379 нафар кишини ташкил этмоқда (<https://www.worldometers.info/coronavirus/>), Республикамизда эса жами

касаланганлар сони 80270 дан ошди, даволанаётганлар - 652 нафар, соғайганлар 78994 нафар, вафот этганлар 622 нафар кишини ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва такомиллаштирилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон Фармони, “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 25.07.2020 йилдаги ПФ-6035-сон Фармони, Вазирлар Махкамасининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 23.03.2020 йилдаги 176-сон Қарори, ССВнинг “Коронавирус инфекциясини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича захира мутахассисларни тайёрлаш тўғрисида”ги 22.03.2020 йилдаги 77- сонли буйруғи ва “Халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган COVID-19 бўйича миллий қўлланмани тиббиёт амалиётига жорий этилишини янада жадаллаштириш ҳақида”ги 31.03.2020 йилдаги 96- сонли буйруғи ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Шунингдек бутун дунёда, жумладан республикамизда янги коронавирус инфекцияси келтириб чиқарган COVID-19 касаллигининг эпидемиологияси, этиологияси, патогенези, клиник кечиши, даволаш усуллари, асоратлари, профилактикаси, вакциналар ишлаб чиқишга бағишланган илмий тадқиқотлар кенг қамровда олиб борилмоқда.

Атроф-муҳит омилларининг санитар ҳолати билан COVID-19 инфекциясининг тарқалиши ўртасида боғлиқликни ўрганиш бўйича ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, атмосфера ҳавосининг муаллақ моддалар (чанг) билан ифлосланиш даражаси бевосита вирусли инфекцияларнинг учраш частотасига боғлиқлиги кўпгина илмий адабиётларда баён этилган. Шунинг учун атмосфера ҳавосининг ифлосланиши билан вирусли инфекцияларнинг тарқалиши ўртасида потенциал корреляцион боғлиқлик баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан атмосфера ҳавосининг PM 10 диаметрли муаллақ моддалар билан юқори даражада ифлосланиши ва аҳоли ўртасида COVID-19 инфекциясининг тарқалиши билан бевосита боғлиқлиги аниқлашга бағишланган тадқиқотлар.

Чиқинди сувлар ичак вирусларидан ташқари потенциал равишда маълум концентрацияда коронавирუსни сақлаши мумкин. Тозалаш иншоотларида ҳосил бўлган фаол чўкма ва В синфга кирувчи қаттиқ биологик моддалар таркибида коронавирус генларини сақлаши 80% текширишларда аниқланган. Агар SARS-CoV-2 фекал-орал йўллар орқали юкса, юқорида кўрсатилган ташқи муҳит объектларида вируснинг фаоллиги ноаниқлигича қолмоқда. Хитойда нашр этилган текширишлар натижаларида қуйидагилар қайд этилган: SARS билан касаланган беморлар даволанувчи 2та касалхона чиқинди сувлари

дезинфекция қилингандан кейин ҳам шифохоналарнинг биридан ҳосил бўлган чиқинди сувлар таркибида SARS-CoV-2 РНКси аниқланган.

Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, вирус алюминий, пластик, металл, ёғоч ва қоғозда хона ҳароратида 4-5 кунгача ўз вирулентлигини сақлаган ҳолда яшай олади. Ўтказилган текшириш натижалари одам коронавирусини 229 E (H-CoV229 E) турли озиқ-овқат маҳсулотларида полиовирус-1(PV-1) га нисбатан паст чидамлиликлга эга эканлиги қайд қилинган. Шу билан бирга жарроҳлик қўлқоплари (латекс)да ва бир марталик халатларда вируслар сақланиши турлича (HCoV229E -21⁰Сда 8 соатдан кўп ва хона ҳароратида SARS-CoV GVU6109 -1 соатдан 2 кунгача) эканлиги аниқланган. Бу эса юзалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан мулоқотда бўлишга руҳсат этилган дезинфекцияловчи воситаларни қўллаган ҳолда даврий равишда тозалаб туришни талаб этади. Шу билан бирга COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш шароитларини ўрганиш, уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштириш мақсадида илмий изланишларни олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 билан касалланган беморларни даволашга мослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари (ДПМ) шароитларига гигиеник баҳо бериш ҳамда уларни оптималлаштириш бўйича тавсияларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва қўлланилган усуллар: Тадқиқот ишлари Тошкент тиббиёт академияси (ТТА) кўп тармоқли клиникаси ва «Назарбек» санаторияси негизидаги шифохонада олиб борилди. Гигиеник шароитларнинг кўрсаткичлари сифатида микроклим кўрсаткичлари (ҳарорат, намлик, ҳавонинг ҳаракат тезлиги), асосий хоналарининг амалдаги ёритилиш даражаси, шовқин даражаси, электростатик майдоннинг кўрсаткичи, 1 м³ ҳаводаги аэроионлар сони, ёпиқ жойда ҳаводаги радоннинг миқдорига гигиеник баҳо берилди. Ушбу омиллар умумқабул қилинган тадқиқот усуллари ёрдамида ТТА илмий-тадқиқот лаборатория асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда олиб борилди. Гигиеник омилларини ўрганиш натижалари амалдаги меъёрий ҳужжатлар (СанҚваМ 0292-11, СанҚваМ 0342-17, COVID-19 бўйича миллий қўлланма, ЎзР СанҚваМ 0324-16, СанҚваМ 0325-16, ҚМҚ 2.01.05-98, СанҚваМ 0335-16, СанҚваМ 193-06) талабларига мослиги баҳоланди. Маълумки иммун тизимини мустаҳкамлашда витаминга бой бўлган озуқа маҳсулотлар ўрни бекиёс, шу сабабли барча касалликларни даволашда овқатланишга алоҳида эътибор берилгани каби Covid-19 касаллигини даволашда ҳам беморлар таомномасига катта эътибор берилиши уларни тезроқ даволанишида муҳим ўринни эгаллайди. Шифохоналарда ташкиллаштирилган овқат рациони баҳолаш ҳисоб-китоб қилиш йўли биланамалга оширилди. Бунда овқат рационинг кунлин энергетик қуввати, унинг суткалик тақсимоти, асосий озиқ моддаларнинг миқдори ва нисбати инобатга олинди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси: Маълумки, юқумли

касалликлар беморнинг асосан ҳарорати кўтарилиши билан кечади, шунинг учун шифохона микроиклим параметрлари оптимал бўлиши талаб этилади. СанҚваМ 0292-11 талабаларига кўра, юқумли касалликлар шифохонасида ҳавонинг ҳарорати 22-24⁰С, ҳавонинг намлиги 40-60%, ҳавонинг ҳаракат тезлиги 0,1-0,2 м/с атрофида лозим. Текширув ишлари йилнинг иссиқ ва совуқ мавсумларида ўтказилиши лозим. Аммо мазкур ишимизда йилнинг совуқ мавсумида ўтказилган текширув натижалари келтирилган.

Иш куни давомида (иш куни бошида, ўртасида ва охирида) турли хоналарида микроиклим параметрлари ўлчаш натижалари текширув ўтказилган ДПМларнинг барча хоналарида микроиклим параметрлари асосан оптимал кўрсаткичларга яқин бўлганлигини кўрсатди. Иш кун бошида Назарбек ва ТТАнинг қабулхона ва палаталарида ҳарорат 2-3⁰С га оптимал кўрсаткичдан юқорилиги қайд этилди, аммо кун охирига келиб ҳавонинг ҳарорати оптимал кўрсаткич даражасига яқинлашгани аниқланди.

Кун жавомида барча хоналарда намлик мақбул қийматга эга эканлиги аниқланди.

Ҳавонинг ҳаракат тезлиги ТТАнинг текширув ўтказилган хоналарида оптимал қийматларга эга бўлиб, Назарбек шифохонасининг текширилган барча хоналарида кун давомида тавсия этилган қийматлардан 1,5-2 барабар паст паст эканлиги аниқланди, бу биринчидан терморегуляция функциясининг бузилишига ва иккинчидан ҳаво таркибидаги вируслар миқдорини кўпайишига сабаб бўлиши мумкин.

Палаталар табиий ва сунъий ёритилган бўлиши керак. Табиий ёритилганлик етарли даражада бўлиши учун ёруғлик тушадиган ойна юзаси пол юзасга нисбати 1:5, 1:6 бўлгандагина эришилади (ёритилганлик коэффициенти-ЁК). Текширув ўтказилган муассасалардан ёритилиш даражаси мақбул қийматларга эга эканлиги аниқланди.

Даволаш муассасаларида шовқин даражаси асосан тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги билан изоҳланади, айниқса КТ ва рентген хонасида текширув ўтказиш пайтида хоналарда шовқин фонини яратади, бу шовқинни интервалли, кенг спектрли шовқин сифатида тавсифланиши мумкин. Шунингдек каталкада беморларнинг ташиши жараёнида шовқин кузатилади. Қабулхонада ва палаталарда шовқиннинг умумий даражаси 50±8 дБА, беморларни қабул қилиш пайтида - 60±7 дБА ни ташкил этди ва бу гигиеник талабларига жавоб беради.

Текширув ўтказилган тиббий муассасаларнинг хоналарида ҳавонинг кучли кимёвий ифлосланиш манбалари мавжуд амас. Аммо кун давомида 3 мартадан барча хоналарда намли тозалаш ишлари зарарсизлантирувчи моддалардан (асосан хлор сақловчи моддалар) фойдаланилган ҳолда олиб борилиши ва антисептик моддалардан кўп фойдаланиш ҳавонинг кимёвий ифлосланишига сабаб бўлиши мумкин деган тахмин қилдик ва ҳавонинг кимёвий таркибини текшириш ишларини ўтказдик. Хоналарда ҳаво таркиби текширилганда, биз бирон бир сунъий кимёвий моддаларни аниқламадик. Шу

билан бирга, қабулхона ва палаталарда антропоген ифлосланиш кўрсаткичи - карбонат ангидрид ва аммиакни борлигини аниқладик. Ҳавонинг антропоген ифлосланишини кўрсатувчи CO_2 концентрацияси 0,1% дан ошиши турар жой ва жамоат бинолари ҳавосини ифлосланишидан далолат беради. Бизнинг маълумотларга кўра, уччала муассасанинг текширув ўтказилган барча хоналарида карбонат ангидриднинг бундай концентрацияси кузатилмади.

Ёпиқ хоналарнинг яхши шамоллатилмаслиги, ушбу хоналар 1 м^3 ҳавосидаги радон концентрациясининг ортиши ва мусбат ионлар сонининг кўпайиши билан характерланади. Текшириш натижалари ўлчов ишлари ўтказилган хонанинг жойлашган қаватига қараб радоннинг концентрацияси 21 дан 54 Бк/м^3 гача ўзгарганини кўрсатди, лекин бу кўрсаткичлар Ўзбекистондаги хона ичи ҳавосидаги ўртача даражасига яқин.

Бизнинг маълумотларимиз шуни кўрсатадики, ўлчов кўрсаткичларининг ўртача натижалари қайд этилишига қарамай, уларнинг динамикаси иш куни давомида хоналарда ҳаво муҳити сифатининг аста-секин ёмонлашувидан далолат беради. Ушбу маълумотлар нафақат хонани вентиляция қилиш сифатини, балки радон таъсиридаги радиация таъсирини ҳам акс эттиради.

Одамга профессионал бўлмаган радиация таъсирининг даражаси нафақат радоннинг инкорпорацияси билан, балки ташқи γ - нурланиш фони билан ҳам аниқланади. Уччала тиббий муассасалар хоналарида биз томонимиздан ўлчанган гамма фон кўрсаткичлари қуйидагича бўлди: ТТА ($n = 20$) да - 18-26 мР / соат, Назарбек ($n = 14$) - 16-22 мР / соат.

Д.А.Зарединовнинг маълумотларига кўра, бизнинг республикамызда гамма нурланишининг ташқи дозаси 13 мР /соатни ташкил қилади, бино ичида эса бу кўрсаткич 23 мР/соатгача бўлиши мумкин. Биз олган маълумотлар Д.А.Зарединов томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларини тасдиқлайди ва тиббий муассасалар хоналарида ташқи гамма нурланиш даражасининг пастлигини ҳамда республиканинг иқлим-географик шароитлари учун хос бўлган фон нурланиши кўрсаткичидан кескин фарқ қилмаслигини кўрсатади.

Ишимизнинг кейинги босқичида шифохоналарда беморлар учун ташкил этилган пархез овқат рационларига гигиеник баҳо берилди. Маълумки, юқумли касалликларни даволашда ва олдини олишда Певзнер пархез столлари ичида 13-пархез столи бўйича таом тайёрлаш ва беморларга истеъмол учун тарқатилиши тавсия этилади. 13 пархез столда таомлар энгил қайнатма ва буғ холатда тайёрланган бўлиши, таркибида кўп миқдорда витаминга бой хўл мева ва сабзавотларга бойлиги билан характерланади. 7 кунлик пархез столнинг таҳлил қилиб натижалари шуни кўрсатдики, беморларга кунига ўртача 300 гр нон, 163 гр гўшт, 165 гр сут маҳсулотлари, 110 гр дуккалилар ва ёрмалар, 0,6 дона тухум, 30 гр шакар, 25 гр сариеғ, 27 гр ўсимлик ёғи, 157 гр картошка, 364 гр сабзавот ва 200 гр мевалар истеъмол учун тарқатилар экан.

Ҳафталик овқат рационидаги озуқа моддалар таҳлилидан умумий оксилни ҳайвон оксиллари 41,0-52,5 %гача, ўсимлик оксиллари эса 47,5-49,0%

гача ташкил қилган. Оксилнинг ҳайвон ва ўсимлик нисбати таққосланганда ҳайвон оксили 41,0 %дан 52,5 %гача, ўсимлик оксили эса 59,0 %дан 47,5 % гача ташкил қилгани, оксил, ёғ ва углеводлар нисбати 1:1:4 га тенг эканлиги аниқланди. Шифохоналарда 3 маҳаллик овқатланиш ташкил этилган, аммо хўл мевалар ва сабзавотлардан тайёрланган салатларни бериш яхши йўлга қўйилмаган, витамин Сга бой ичимлик ва дамламалар рационга етарлича киритилмаган.

Шундай қилиб, COVID-19 билан касалланган беморларни даволашга мослаштирилган даволаш- профилактика муассасаларининг гигиеник шароитларини ўрганиш қуйидаги дастлабки хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Текширувимиз остида бўлган барча тиббий муассасаларнинг ўлчов ишлари ўтказилган асосий хоналарида микроклим параметралари СанҚваМ 0292-11 талабаларига мос келади. Тиббий муассасалар асосий хоналари ҳавосининг кимёвий таркибини текшириш натижалари намли тозалаш учун ишлатиладиган хлор эритмалари ва антисептиklar ҳавони ифлослантормаётганини кўрсатди.

2. Ўлчов ишлари ўтказилган хонанинг жойлашган қаватига қараб радоннинг концентрацияси 21-54 Бк/м³ ни ташкил этиб, аниқланган ташқи гамма нурланиш даражаси каби республиканинг иқлим-географик шароитлари учун хос бўлган нурланиш кўрсаткичларидан кескин фарқ қилмади. Текширув ишлари ҳозирча йилнинг совуқ фаслида ўтказилган бўлиб, натижаларнинг аксарият кўрсаткичлари СанҚваМ 0292-11 талабларига мос келади. Лекин ёпиқ хоналарда вирус юкмаси ортиши мумкинлигини инобатга олиб хоналарни тез-тез шамоллатиб туришни тақазо этади.

3. Мавсумга мос холда сабзавотлардан тайёрланган салатларни тушлик ва кечки овқатга қўшиш. Сабзавотлар ичида витамин С га бойлиги билан юқори ўринни эгаллаган карам ва кўкат қўшиб тайёрланган салатлар тури ва миқдорини ошириш;

4. Даволаниш жараёнида вирусга қарши чидамликни ошириш мақсадида витамин С га бой бўлган наъматак, лимон, смородина, ялпиз қўшиб тайёрланган 500 мл гача миқдорда ичимликлар, дамламаларни овқат рационига киритиш.

СОСТОЯНИЕ ПАРОДОНТА У БОЛЬНЫХ ПЕРЕНЕСШИХ КОРОНОВИРУСНУЮ ИНФЕКЦИЮ

**Юсупалиходжаева С.Х., Шомуродова Г.Х.,
Турдиев А.Х., Патхиддинова М.Ш.**

Ташкентский государственный стоматологический институт

Аннотация: изменения, которые наблюдаются в полости рта в период и после заболевания с короновиральной инфекцией, зависят от реактивности организма и тропности вируса к определенным системам и тканям. В этот

СОДЕРЖАНИЕ

ОБЩЕСТВЕННОЕ ЗДОРОВЬЕ И ОРГАНИЗАЦИЯ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

Асадов Д.А., Хамраев А.К., Асадов Х.Д.
БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ МУАССАСАЛАРИДА АҲОЛИ
ҚАТНОВЛАРИ ВА КАСАЛЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ ҲИСОБОТИНИ
ЮРИТИШДАГИ МУАММОЛАР 5

Asadov D.A., Aripov T.Y.
BURDEN OF ISCHEMIC HEART DISEASE IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES,
1990-2017.....11

Абдуллаев И.К., Курбанов С.Р., Оманова А.С.
АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ВА УНИ МУСТАҲКАМЛАШДА
ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК ВА ОММАВИЙ СПОРТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ..... 19

Азимова О.Ш., Усманова З.Т., Абдуллаева Б.Х.
СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ҲАМШИРАЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ 27

Ахмедов М.Э., Рустамова Х.Е., Ибрагимов А.Ю.
БОЛЕЗНИ СИСТЕМЫ КРОВООБРАЩЕНИЯ КАК ПРОБЛЕМА
УХУДШЕНИЯ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ..... 30

Бурганова А.М., Галиуллин А.Н., Галиуллин Д.А.
ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ МЕДИКО-БИОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ РИСКА НА
РАЗВИТИЕ ГЛАУКОМЫ СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ, ПРОЖИВАЮЩИХ В
УСЛОВИЯХ КРУПНОГО МЕГАПОЛИСА 32

Бурганова А.М., Галиуллин А.Н., Галиуллин Д.А.
ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ПОВЕДЕНЧЕСКИХ ФАКТОРОВ И ОБРАЗА ЖИЗНИ НА
РАЗВИТИЕ ГЛАУКОМЫ СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ, ПРОЖИВАЮЩИХ В
УСЛОВИЯХ КРУПНОГО МЕГАПОЛИСА 43

Венгловский В.В., Жакенова С.Р., Жашкенова А.Н.
РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ И ИНТЕНСИВНОСТЬ ЗАБОЛЕВАНИЯ
ФЛЮОРОЗОМ НАСЕЛЕНИЯ РАЗЛИЧНЫХ СТРАН МИРА В РЕГИОНАХ С
ВЫСОКИМ СОДЕРЖАНИЕМ ФТОРА В ПИТЬЕВОЙ ВОДЕ. ОБЗОР
ЛИТЕРАТУРЫ 50

Галиуллин Д.А.
НОВАЯ РЕГИОНАЛЬНАЯ МОДЕЛЬ ПО ОКАЗАНИЮ ПЕРВИЧНОЙ МЕДИКО-
СОЦИАЛЬНОЙ ПОМОЩИ ЛИЦАМ СТАРШЕ ТРУДОСПОСОБНОГО
ВОЗРАСТА С МНОЖЕСТВЕННЫМИ ХРОНИЧЕСКИМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ
..... 57

Гильманов А.А., Альмухаметов А.А., Галиахметов А.И.
ПОНЯТИЕ ПЕРСОНАЛИЗИРОВАННОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ВИЧ-
ИНФЕКЦИИ 58

Александр И.Г.
ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ ПОКАЗАТЕЛЯ «ОЖИДАЕМАЯ
ПРОДОЛЖИТЕЛЬНОСТЬ ЗДОРОВОЙ ЖИЗНИ»: ПРОСТАЯ МЕТОДИКА
РАСЧЁТА И ОТСУТСТВИЕ НЕОБХОДИМЫХ ИСХОДНЫХ ДАННЫХ 60

Джамалова Ш.А., Курьязова З.Х. СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ИНВАЛИДНОСТИ ВСЛЕДСТВИЕ ОФТАЛЬМОДИАБЕТА	62
Доронина О.В., Курмангулов А.А., Брынза Н.С. ВИЗУАЛИЗАЦИЯ МАРШРУТИЗАЦИИ ПАЦИЕНТОВ С ПОДОЗРЕНИЕМ НА ОНКОЛОГИЧЕСКОЕ ЗАБОЛЕВАНИЕ С ПОЗИЦИИ БЕРЕЖЛИВОГО ПРОИЗВОДСТВА	64
Иргашев Ш.Б. МОДЕРНИЗАЦИЯ ПЕРВИЧНОГО ЗВЕНА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ ПУТЕМ ВНЕДРЕНИЯ ВАЛЕОЛОГИИ, ОСНОВАННОЙ НА ПРЕВЕНТИВНОЙ МЕДИЦИНЕ	66
Ибрагимходжаев Б.У., Маликов И.Р., Хожиматова Д.А. ЙОД ТАНҚИСЛИГИ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ	73
Камалова Ф.М., Закиров И.К. ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ УРОВНЯ ДИСПАНСЕРИЗАЦИИ НАСЕЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ ТАТАРСТАН В 2019 ГОДУ	78
Камилова Д.Н., Рустамова Х.Е., Нурмаматова К.Ч., Стожарова Н.К. СОЦИАЛЬНО-ГИГИЕНИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИНВАЛИДИЗАЦИИ ОТ НЕФРОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ	82
Карпова С.С. ЗАКОНОДАТЕЛЬНАЯ ОСНОВА КОНТРОЛЯ КАЧЕСТВА И БЕЗОПАСНОСТИ МЕДИЦИНСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ	85
Курбанов Ч.М., Хужаева Ш.А., Жураева М. МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ В СОВРЕМЕННОМ ЗДРАВООХРАНЕНИИ .	87
Курмангулов А.А. ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДА КАНО В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ НАВИГАЦИОННЫХ СИСТЕМ МЕДИЦИНСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ	90
Медведева О.В., Чвырева Н.В. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ДИНАМИКИ ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНОГО ТРАВМАТИЗМА В НЕКОТОРЫХ РЕГИОНАХ ЦЕНТРАЛЬНОГО ФЕДЕРАЛЬНОГО ОКРУГА	93
Мирзарахимова К.Р., Турахонова Ф.М. СТОМАТОЛОГИЧЕСКАЯ СТАТИСТИКА СТАТУСА БОЛЬНЫХ С ВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ	97
Нурмаматова К.Ч., Мирзарахимова К.Р., Кулиев О.А. СОЦИАЛЬНО-ГИГИЕНИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ВРОЖДЁННЫХ АНОМАЛИЙ ПОРОКОВ РАЗВИТИЯ У ДЕТЕЙ	98
Мирзарахимова К.Р. БОЛАЛАР ОРАСИДА УЧРАЙДИГАН КАСАЛЛАНИШ, НОГИРОНЛИК ВА ЎЛИМ ДАРАЖАСИНИ ЎРГАНИШ	99
Муракаев Ф. А., Абдикаимова Д. В.	

ОСОБЕННОСТИ ФОРМЫ ЧЕРЕПА, ДЕФОРМАЦИЯ И ВЛИЯНИЕ НАСЛЕДСТВЕННЫХ ФАКТОРОВ.....	100
Муратова Н.Ю.	
КОМПЛЕКСНОЕ ЛЕЧЕНИЕ И РЕАБИЛИТАЦИЯ ПАЦИЕНТОВ С ПРИОБРЕТЕННЫМИ ДЕФЕКТАМИ ЧЕЛЮСТЕЙ КАК АСПЕКТ ОБЩЕСТВЕННОГО ЗДОРОВЬЯ	105
Нарзикулова С.П.	
ПОКАЗАТЕЛИ УРОВНЕЙ ПОСТНАГРУЗОЧНОЙ ГЛИКЕМИИ КАК ФАКТОР РИСКА ПРИ РАЗЛИЧНОЙ МАССЕ ТЕЛА.	106
Нармухамедова Н.А.	
ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ МЕДИЦИНСКОГО ПЕРСОНАЛА УЧРЕЖДЕНИЙ ПМСП.....	107
Неъматова Н.Ў., Абдукахарова М.Ф., Бахтиярова М.Б.	
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	109
Ризаев Ж.А., Нурмаматова К.Ч., Тухтаров Б.Э.	
ОРГАНИЗАЦИЯ ЛЕЧЕБНО-ПРОФИЛАКТИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ ПРИ АЛЛЕРГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ У ДЕТЕЙ	113
Ризаев Ж.А., Нурмаматова К.Ч., Каримова М.У.	
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БОЛАЛАР ОРАСИДА БРОНХИАЛ АСТМА КАСАЛЛИГИ ДИНАМИКАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	115
Ruzieva S.Yu.	
STOMATOLOGIYA POLIKLINIKASI HAMSHIRALARNI MEHNATINING SIFATI VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH.....	116
Рустамова Х.Е., Нурмаматова К.Ч., Машарипова Р.	
НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СОСТОЯНИЯ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА	118
Рустамова Х.Е., Булешов М.А., Ахмедов М.Э., Дауытов Д.	
СОВРЕМЕННЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ВЫСОКОТЕХНОЛОГИЧНОЙ КАРДИОЛОГИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ	120
Садыкходжаева Д.А.	
СОВРЕМЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ К КАЧЕСТВУ УСЛУГ СЕМЕЙНОГО ВРАЧА – ВНЕДРЕНИЕ ПРИНЦИПОВ ДОКАЗАТЕЛЬНОЙ МЕДИЦИНЫ	122
Сайфутдинова Э.А.	
ОПЫТ ВНЕДРЕНИЯ СИСТЕМЫ МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА В ГАУЗ «РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЦЕНТР ЗДОРОВЬЯ И МЕДИЦИНСКОЙ ПРОФИЛАКТИКИ»	125
Сергалиев Т.С., Махмутов А.Т., Шигамбаев М.	
МЕДИКО-ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ ОСНОВЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕГИОНАЛЬНЫХ СЛУЖБ КРОВИ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ	128
Сергалиев Т.С., Шигамбаев М., Махмутов А.Т.	
ТАРИФЫ НА МЕДИЦИНСКИЕ УСЛУГИ В РАМКАХ Г ОБМП И ОСМС В РК	130

Сергалиев Т.С., Абдиев Н.М., Шигамбаев М.
ОСОБЕННОСТИ ОКАЗАНИЕ ВЫСОКОСПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ НАСЕЛЕНИЮ НА ПРИМЕРЕ
ХИРУРГИЧЕСКОГО ЦЕНТРА ИМЕНИ СЫЗГАНОВА 135

Тангиров А.Л., Мамаджанов Н.А., Абдукадыров Х.Ж.
МЕДИЦИНСКОЕ СТРАХОВАНИЕ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 137

Уббиниязова К. Т., Брянцева Е.В., Урунова Д.М.
РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ РАЗЛИЧНЫХ ФОРМ ТУБЕРКУЛЕЗА У ВИЧ
ИНФИЦИРОВАННЫХ ПАЦИЕНТОВ В РЕСПУБЛИКЕ КАРАКАЛПАКСТАН
..... 139

Умаров Б.А., Абдуқодиров Х.Ж.
ТУҒАДИГАН ЁШДАГИ АЁЛЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИНИ ТАХЛИЛ
ҚИЛИШДА, АЁЛЛАР ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИ КИСТАЛАРИНИНГ
ЭТИОЛОГИЯСИ ВА СТАТИСТИКАСИНИ АХАМИЯТИ 140

Усманова Ш.Ф., Умаров Б.А., Абдуқодиров Х.Ж.
ВЛИЯНИЕ СПОРТА И ДВИГАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ НА ИММУНИТЕТ
ВОЕННОСЛУЖАЩИХ 143

Ходжаев Н.И., Рахимова Ш.Х., Ходжаев Б.Ж.
ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА
ОШИРИШ ОРҚАЛИ ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД146

Ходжаев Н.И., Рахимова Ш.Х., Ходжаев Б.Ж.
ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИНГ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК
ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ 150

Хузаханов Ф.В., Нигматзянова Р.Р.
АНАЛИЗ НЕКОТОРЫХ АСПЕКТОВ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ФБУЗ «ЦГИЭ» С 2012
ПО 2019 ГГ. 154

Юрьев В.К., Моисеева К.Е.
МЕТОДИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ОЦЕНКЕ КАЧЕСТВА МЕДИЦИНСКОЙ
ПОМОЩИ НОВОРОЖДЕННЫМ В ОРГАНИЗАЦИЯХ РОДОВСПОМОЖЕНИЯ
..... 156

*Юсупалиходжаева С.Х., Шомуродова Г.Х., Касимова Г.И.,
Патхиддинов Ж.Ш.*
ОПТИМИЗАЦИЯ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЭНДОДОНТИЧЕСКОГО
ЛЕЧЕНИЯ ПРИ СОЧЕТАННЫХ ПОРАЖЕНИЙ ПАРОДОНТА 160

Saduridinov A. O.
MARKETING IN HEALTHCARE PROSPECTS AND CHALLENGES IN RUSSIA 163

ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ

Абдуллаева Д.Г., Хакбердиев Х.Р., Рахимова Д.И.
К ВОПРОСУ ГИГИЕНИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ ГРИБКОВОЙ
СЕНСИБИЛИЗАЦИИ В УСЛОВИЯХ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ 166

Абдуллаева Д.Г., Абдуллаев М.А.

РЕКОМЕНДАЦИИ ПРИ ПЕРЕКРЕСТНЫХ АЛЛЕРГИЧЕСКИХ РЕАКЦИЯХ НА ЛАТЕКС 167
Абдуллаева Д.Г., Рустамова Б., Жолдасбаева Г.
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРДА ОВҚАТЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ 168
Абдуллаева Д.Г., Эшназаров У., Асрорзода З.
ПРОБЛЕМА ОЖИРЕНИЯ В УСЛОВИЯХ COVID-19 170
Гутор Е.М., Жидкова Е.А., Попова И.А.
ВАКЦИНАЦИЯ В ОТНОШЕНИИ ВИРУСА ГРИППА КАК ФАКТОР ПРОТЕКЦИИ ПРОТИВ COVID-19 171
Жидкова Е.А., Рогова И.В., Попова И.А.
ОЦЕНКА ФАКТОРОВ РИСКА РАЗВИТИЯ COVID-19 СРЕДИ РАБОТАЮЩЕГО НАСЕЛЕНИЯ 173
Искандарова Г.Т., Абдуллаева Д.Г., Абдуллаев М.А.
К ПРОБЛЕМЕ ЛАТЕКСНОЙ АЛЛЕРГИИ ПРИ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ COVID-19..... 174
Курьязова З.Х., Янгиева Н.Р., Джамалова Ш.А.
ПРОБЛЕМЫ ОКАЗАНИЯ ОФТАЛЬМОЛОГИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ..... 175
Матназарова Г.С., Хамзаева Н.Т. Кучкарова Б.К., Кеулимкосова А.К.
COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИНИНГ БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА ТАРҚАЛГАНЛИГИ ВА УНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ 177
Рустамова Х.Е., Абдурашитова Ш.А.
ВОПРОСЫ ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ СТУДЕНТОВ ВУЗОВ ВО ВРЕМЯ ПАНДЕМИИ..... 178
Рустамова Х.Е., Мьяссарова М.М.
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ФЕРТИЛ ЁШДАГИ АЁЛЛАРНИНГ СОҒЛИҒИ МУАММО СИФАТИДА 179
Саломова Ф.И., Садуллаева Х.А., Шеркузиева Г.Ф., Ахмадалиева Н.О.
COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАНЛАРНИ ДАВОЛАШГА МОСЛАШТИРИЛГАН ШИФОХОНАЛАРДА ДАВОЛАНИШ ШАРОИТЛАРИГА ГИГИЕНИК ХАРАКТИРИСТИКА 180
Юсупалиходжаева С.Х., Шомуродова Г.Х., Турдиев А.Х., Патхиддинова М.Ш.
СОСТОЯНИЕ ПАРОДОНТА У БОЛЬНЫХ ПЕРЕНЕСШИХ КОРОНОВИРУСНУЮ ИНФЕКЦИЮ 185

КЛИНИЧЕСКОЕ НАПРАВЛЕНИЕ

Chong K.H., Nizamutdinov G.A.
GANODERMA FOR THE MANAGEMENT OF CHRONIC HEPATITIS B INFECTION 189
Агзамова С.С.